

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ҳосил—91

Ҳосил—91

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ПАХТАСИ


4.000.000

ТОННАДАН ОШДИ

ДАЛАЛАР ТОЗАЛАНМОҚДА

Навбатдаги хушхабар Бўна ноҳиясидаги «Ленинобод» жамоа хўжалигидан олинди. Деҳқонлар 864 гектар майдондан 2100 тонна пахта ҳосили олиб, йиллик маррага етиб келдилар. Пахтанинг 95 фоизи юқори навага қабул қилинди. И. Мусаев, Б. Убайдуллаев, М. Жураев, Қ. Баятов, Х. Алматов бошлиқ бригада аъзолари «оқ олтин» хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар. Механизаторлардан Э. Ражабов, Я. Абдуллаев, М. Абдувазоров, И. Хайдаров ўзлари бошқарган техника қувватидан самарали фойдаланишга ҳаракат қи-

либ, мавсум бошидан буён 130—150 тоннадан пахта теришга эришдилар. Йиллик марра ортада қолди. Лекин теримчиларнинг ғайрат-шижоати сусаймапти. Далаларда пахтакорнинг риз-рўзи бўлиши ҳосил ҳали тула йиғинтириб олинганча йўқ. Мавсумда уч-тўрт минг киллограмдан пахта терган жамоа хўжалигининг Г. Турсунова, Н. Тошқуллова, М. Имомқуллова, Х. Хасанова, А. Султонова сингари аъзолари далаларни тозалашда ҳам фаол иштирок эттишмоқда.



● ПИСКЕНТ ноҳиясидаги Гулистон жамоа хўжалиги аъзолари 1105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,6 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани бажардилар. ● СУРАТДА: (чапдан ўнгга) 2-бригада бошлиги М. Мусаев, партия ташкилоти котиби И. Шайдуллаев, механик-ҳайдовчилар Т. Қўқорват ва А. Умаров. Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.

МЎЛ ҲОСИЛ

ЧИНОЗ. «Москва» жамоа хўжалиги пахтакорлари ноҳияда биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Бу йил 464 гектар майдонда пахта етиштирган москвалар эл хирмонига 1300 тоннадан кўпроқ оқ олтин тоширдилар. Ҳосилдорлик гектаридан 28 центнерданга тўғри келди. Мавжуд 12 та терим машинасининг ҳар бири юксак унум билан ишлаши таъминланди. Техникалар ёрдамида 860 тонна пахта териб олинди. Хўжалик ютуғидан Хурсанд Бўрибоев, Раҳим Еқубов, Холдор Расулзаев бошлиқ бригадалар деҳқонларни катта ҳисса қўшдилар. Вобомурод Худойқуллов,

Ғуллом Умаралиев, Абдурашид Арслонов, Турсунбой Қорабоев каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири 80—100 тоннадан пахта тердилар. Илгор теримчилардан Марҳамат Остонақуллова, Турсунбой Бўрибоев, Гулсум Искандаровна, Ўқсима Сўфиевалар кунга 100—110 киллограмдан охириб, мавсум давомида эл хирмонига ҳар бири 3—4 тоннадан пахта тўқдилар. Хўжалик далаларида ҳали ҳосил мўл. Пахтакорлар ҳосил чўғини чамалаб кўриб, давлатга ана 100 тонна пахта тоширишмоқчи.

Ҳабиба ШЕРОВА.

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИ ТУЗИЛДИ

БҮГҮН Ўрта Чирчиқда бўлиб ўтказилган район Таъсис конференцияси билан вилоятдаги барча районларда ЎзХДП район ташкилотларини тузиш ишларига етказилди. Таъсис конференциялари, шунингдек, Ангрен, Олмалик, Векобод, Янгийўл ҳамда Чирчиқ шаҳарларида ҳам бугун ўтказилди.

Кеча вилоятнинг 12 қишлоқ районларида ЎзХДП район ташкилотлари тузилди. Мухбирларимиз уларнинг айримларида бўлишди.

Қўйраб районда конференция бироз кечикиб бошланди. Конференциядан аввал ташкилий комитет аъзолари тўпланиб бир қанча масалаларни бошқатдан муҳофаза қилдилар. Шунинг ўзи бу районда бўлажак Таъсис конференциясига қарғалик жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигини билдиради. Ташкилий комитет аъзолари жойлардан тушган ҳар бир тақлифларни алоҳида ўрганиб чиқдилар.

«Машида қийин бўлса, жангда осон кечади» деганларидек, ташкилий тайёргарлик ўз натижасини берди — конференцияда ортинча тушунмовчиликлар бўлмади. Район ташкилий комитети раиси А. Носиров ўз маърузасида ҳам, маж-лис бошқарувида ҳам йиғилишни жонли ўтказишга ҳаракат қилди. ЎзХДП Дастури ва Низом лойиҳалари маъқуланганидан сўнг конференция қарорига мувофиқ ЎзХДП Қўйраб район ташкилоти тузилди. Вилоят конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда вилоят насаба уюшмалари Кенгаши раиси Д. Н. Жаҳонгирова иштирок этди.

Шу кунги Паркент районидан ҳам Таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Кун тартибига кўйилган масалалар киритилди: ЎзХДП Паркент район ташкилотини тузиш, ЎзХДП Дастури ва Низом лойиҳаларини муҳофаза қилиш, вилоят Таъсис конференцияси-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

Қуйида Томонлар деб аталуви Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий ва ўзга алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларига хос бўлган анъанавий Дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустақамлашга қатъий аҳд қилиб, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти, жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқий аъзоси деб ҳисобланадиган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатлар тузишга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва қондаларига, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умум эътироф этган ҳужжатларга, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съезида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар тўғрисидаги Декларацияга ўзининг содиқлигини тасдиқлаб,

давлат мустақиллигини, тенг ҳуқуқлигини ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик қондаларини, баҳсли муаммоларини муросасозлик воситалари билан тартибга солиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган ўзга қондалари ва нормаларини ўзаро эътироф этиш ва ҳур мат қилиш асосида ўз муносабатларини ривожлантиришни маълум қилиб,

Томонлар ўртасидаги Дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш ҳар икки давлат халқларининг тўб миллий манфаатларига мувофиқ келадиган ҳисоблаб,

мустақил давлатларнинг иқтисодий ҳамжамиятини тузишга бўлган интилишга амал қилиб,

қуйидаги битимга келдилар:

1-модда
Томонлар бир-бирларини мустақил давлат деб эътироф этишлари ва ўзаро муносабатларига суверен тенглик, ички ишларга аралашмаслик, тавийқ ўтказишнинг иқтисодий ва ўзга қораларини қўлдамаслик, баҳсли муаммоларини муросага келтирувчи воситалар ёрдамида тартибга солиш қондаларига амал қилиш мажбуриятини ошдирилди. Томонлар бошқа Томоннинг давлат мустақиллигига зийн етказиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлардан ўзларини тийдилар.

2-модда
Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ҳудудининг бир бутунлигини эътироф этишлари ҳамда ҳурмат қилдилар.

3-модда
Томонлар ўз фуқароларига миллати, дини, сиёсий қарашлари, тили ёки ўзга тафовутларидан қатъий назар қонун олдида тенгликни ва ҳимояланиш учун тенг ҳуқуқни, тенг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайдилар.

4-модда
Томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудидида истиқомат қилган ёки вақтинча турган бошқа Томоннинг фуқароларига уларнинг миллати, дини, тили ва бошқа тафовутларидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умум эътироф этган нормаларга мувофиқ тарзда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар бериллигини кафолатлайди.

Бир Томон фуқароларининг бошқа Томон фуқаролигига ўтиши масалалари Томонларнинг фуқаролик тўғрисидаги Қонунларига мувофиқ махсус битимлар билан тартибга солинади.

Томонларнинг ҳар бири бошқа Томон ҳудудидида истиқомат қилувчи ўз фуқароларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилади, уларга ёрдам ва мадад беради.

5-модда
Томонлар ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи миллий гуруҳларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хослиги сақланиб қолиши ва ривожланишига қўмақлашадилар, уларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш масалаларида ҳамкорлик қилдилар.

Томонлар ўз ҳудудларида миллатлараро тотувлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни қўйдилар, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига миллий тенг ҳуқуқлилик қондаларини бузишларга қарши кескин курашадилар.

6-модда
Томонлар ўз халқлари ва давлатларининг сиёсат иқтисод, савдо, маданият, фан, техника, экология, соғлиқни сақлаш, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини ривож-

лантирадилар, шу масалалар юзасидан тегишли битимлар туздилар.

Томонлар тенг ҳуқуқлилик асосида амалга ошириладиган:

- ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда, ҳар икки Томон тинчликни янада мустақамлашга интилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда жамоа ҳафсизлиги тизимини яратишда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;
- бозор муносабатларини, ягона иқтисодий майдонни, бож сиёсатини шакллантириш ва ривожлантириш;
- хўжалик алоқаларини, ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш, маҳсулотларни ўзаро манфаатли айирбошлаш;
- шерикчилик корхоналарининг кенг тармоғини вужудга келтириш, биргаликдаги иқтисодий дастурларни рўйбга чиқариш;
- миграция сиёсати;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, фақулода ҳолатларида ўзаро ёрдам кўрсатиш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- биргаликдаги фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш ва биргаликдаги фан-техника дастурларини рўйбга чиқариш;
- жинийликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш масалаларини ўз ҳамкорликларининг устуви йўналишлари, деб эътироф этишлари.

Томонлар ана шу ва Томонларнинг бошқа муштарак манфаатларини шу жумладан, Озарбайжон Республикасининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон республикалараро ҳамкорлик қилиш доираларидаги манфаатларини рўйбга чиқарувчи махсус давлатлараро шартномалар ва ҳужжатлараро битимлар тузиш, зарур ҳолларда умумий мувофиқлаштирувчи институтлар ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

7-модда
Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида яқин ҳамкорлик қилдилар. Орол деңизи ва Оролбўйи теерак-атрофининг экологик

(Давоми киккичи бетда).

Н. А. КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОСИ БҮЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Н. А. Каримов Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзоси бўлди.

Ҳозирги вақтда Таъсис съезидини қанқувчи ташкилий комитетга КПСС аъзоларидан қайта рўйхатга олиниши сўраб 250 мингтадан кўпроқ ариза тушиди, сал кам 55 минг киши Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлиб кириш истагини билдириди. Қайта рўйхатдан ўтказиш ва янги партияга қабул қилиш давом этмоқда.

Шаҳар ва район таъсис

конференцияларининг иши ниҳоятга етмоқда. Бу конференцияларда делегатлар янги сиёсий ташкилотнинг маъбурида эълон қилинган Дастури ва Низом лойиҳаларини чуқур ва изгилан муҳофаза қилмоқдалар, бу муҳим ҳужжатларга аниқ лавиан мулоҳаза ва тақлифлар киритмоқдалар. Шу йилнинг 25—26 октябр кунлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Қорғалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар таъсис конференциялари иш бошлайди.

ХУШХАБАР

9 МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМИ ШҲРО ХҲЖАЛИГИ МЕХАТКАШЛАРИ ДАВЛАТГА ШОЛИ СОТИШ РЕЖАСИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ОРТИГИ БИЛАН АДО ЭТДИЛАР

РЕЖАНИ бошқатдан пухта қилган деҳқоннинг хирмони ҳақиқат баракали бўлади. Бу йил Ғалаба районидан Калинин номи шҲро хўжалиги маҳсулотларини яна бир бор исботлашди. Сифатли тайёрланган майдонларга обитобда уру ташланди, парвартиш сифатини таъмин этилиб, барча агротехника тадбирлари маромда ўтказилди. Баҳор ва ёз бўйи қилинган меҳнат пухта натижа ўзининг самарасини берди. Далаларда мўл ҳосил етиштирилди.

Хўжалик деҳқонлари ҳал қилувчи нава — шоли ўрнимини ҳам пухта тайёрларган билан киришдилар. Барча комбайнлар, машина ва механизмлардан тўла қувват билан фойдаланилди. Энг муҳим, хўжалиқда далада ишлаётганлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бу йилга унум, ҳосилга кўт-баракат киритди. Нетижада давлатга 9 минг 290 тоннадан ортиқ шоли ҳосили етказиб берилиб, йиллик режа мўддатидан илгари бақарилди. Гектаридан кўтарилган хирмон 70 центнерин ташкил этди.

ОБУНА-92

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА МУДДАТИНИНГ
ТУГАШИГА ХАМ САНОҚЛИ
КУНЛАР ҚОЛДИ.
ХАЛИ ФУРСАТ ҒАНИМАТ.

Ташкент ҳақиқати

ҚАДРОН РЎЗНОМАНИНГ ЭЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда. Тошкент ҳақиқатининг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Фурсат вақтидаги рўзномани «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бўлишга шоянда!



Ф. СП-1

СССР Илоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

Ташкент ҳақиқати 64672
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми

1992 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТКАЗИШ БАРАҚЧАСИ

64672

п.в. шойи (нашр кўрсаткичи)

Ташкент ҳақиқати

(нашр номи)

обуна баҳоси	обуна соми
янги маънавия	сўм
юбориш баҳоси	сўм

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1992 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Санъаткорлар давраида



ЙИГИТ ЁШИНГ МУБОРАК, «ЯЛЛА»!

Серқуён Ўзбекистонини таваллуд тошган «Ялла» дастаси ва унинг Фарруҳ Зокиров, Рустам Илбосов, Жаваҳир Тухтаев, Аббос Алмас сингари хушовоз йигитлари истеъдодига таянган бирорта санъат хоснаси бўлмади керак.

1971 йили Тошкент театри ва расомлик олий йилгоҳида вокал-чолғу дастаси бўлиб ташкил топган «Ялла» дастаси ва унинг Фарруҳ Зокиров, Рустам Илбосов, Жаваҳир Тухтаев, Аббос Алмас сингари хушовоз йигитлари истеъдодига таянган бирорта санъат хоснаси бўлмади керак.

ган «Алло! Биз талантиларни излашимиз» деган телекурса туғини беғараз кумаги бўлди. Жамоамиз шу курсатувда, яъни талловда иштирок этиб, ғалаба қозонди. Ғалаба ижодий йўлимизда бизга йўллама бўлди. Шу сабабли ўша 1971 йил «Ялла» дастаси ташкил топган йил деб ҳисобланиб келинади.

ри ва йўллари шарқона шаклда яратилган. Турри, сафарда кўп бўламиз. Сафар таассуротларимиз бой. Қаерда бўлмайлик учрашувлар, самимий суҳбатлар... Кўрган юрт ва халқларимизнинг турмуш тарзи, маданиятлари ҳақида батафсил изоҳ айтиш қийин. Биргина Мароқаш мамлакатини олайлик. Уларнинг турмушлари бизга ёқди. Овруподаги мамлакатлар халқларининг турмуш тарзлари ҳам маъқул. Қисқаси ҳар кимнинг ўзига хос одати, яхши-ёмон томонлари мавжуд...

— Албатта, ўзимизга яраша камчилиқ, муаммоларимиз йўқ эмас. Кўпинча ташкилий томонлардан. Энди бу фақат ўзимизга боғлиқ. Жамоамиз ўз йилдири, хўжалик ҳисобида ижод қилди. Бунинг кўп яхши томонлари билан бирга камчиликлари, муаммолари бор. Биз ўз сави-ҳаракатимиз ва иш тажрибамизнинг орқали уларни бартараф этишга ҳаракат қилдимиз.

— Фарруҳ ака, суҳбатининг ижодий фаолиятининг бошланғич ҳафтада «Ялла» дастасининг ташкил этилиши ҳақидаги маълумотлар билан бошлаб берсангиз.

қўшиқларнинг сони, улар қайси тилда эканини ҳам муҳими эмас. Қўшиқларимиз юзта-мингта бўлсин, муҳими сифатли бўлиши керак. Муҳлислар дилига, дилига тушмоғи керак. Қўшиқларимиз аввало «Ялла» деб аталади. Ўзимизнинг тилимизда изоҳлаганда «Мажнунни шайдо қилдилар» деган маънода, охиқ йигитнинг нолаидир.

— Кейинги пайтда кинода ҳам ўз қўшиқларингиз билан қатнашасиз... Шу ҳафта ҳам қисқача суҳбат берсангиз.

— Кино жараёни мураккаб ва қизиқarli иш. Кино ижод қирраларини очининг иккиламчи йўли десак ҳам бўлади. Кинонинг тили ҳам, йўли ҳам бошқа. Шу йўлни топиб, шунга мос муноси, шунга хос овоз билан қўшиқлар яратиш ҳам истеъдод, ҳам катта тажриба талаб қилади. «Темир хотин», «Темир эриш» ва бошқа бир қатор фильмларда мен ва Рустам Илбосов яратган қўшиқларимиз муҳлисларга қанчалик маъзур бўлганини ўзларини айтишар.





БАЛЛИ СЕНГА, «МАТОНАТ»!

ТОШКЕНТДА НОГИРОНЛАР УРТАСИДА ФУТБОЛ БЎИЧА ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

«Пахтакор» — «Спартак» учрашуви олдиндан ўйингоҳга 20 га яқин қўлтиқабди йигитлар кириб келишди. Қизил ранг кийимдаги бу ноғиронлар футбол муҳлислари дарҳол танишди — Тошкентнинг «Матонат» командаси. Бундан бир неча кун аввал якунланган мини-футбол баҳсларида ҳамюртларимиз шохсуланинг қўқисини эгаллагандилар. Шунинг учун ҳам «Пахтакор» ўйингоҳига йиғилган ўн минглаб томошабилар матонатчиларини бу зафар билан қутландилар.

Бирок олдинда энг катта синов — катта футбол баҳсининг финал учрашуви турарди. Шунинг учун ҳам «Матонат» футболчилари биринчи бўлидан сўнг пахтакорчиларга омад тилаб финал учрашувига ошқиндилар. Улар «Меҳнат резервлари» ўйингоҳига кириб келганларидан Бразилия ва Англия командалари ўртасида 3-ўрин учун кураш боғрайган эди. Шайдатан ўтган бу ўйиннинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Қўшимча вақтнинг сўнгги дақиқаларида бразилиялик Алемейдо Адемид боши билан (1) тўпни дарвозага йўллади. Бу ғалабадан сўнг бразилияликлар бронза медали совриндорли бўлишди.



ни Даврон Жалилов уч бор 11 метрлик тўпни дайтарини га муваффақ бўлди. Қампортларимиздан Акмал Мунавваров ва Жамил Шукуровларнинг беҳато зарбалари «Матонат» футболчиларига ғалаба келтирди.

Авал мини-футбол бўйича чемпион бўлган «Матонат» йигитларига яшил майдонда ҳам омад кўлиб боқди. Улар Жаҳон кубоги совриндори бўлишди.

Ноғиронлар ўртасида ана бир мусобақа юксак даражада ўтди. Бунда ташкилотчилар — «Матонат» спорт-соғломлаштириш клуби ҳамда ҳомийлар — Ўзбекистон аэрофлоти, Давлат суғурта идораси, Тошкент «Расомчилик» комбинати, «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг хизматлари салмоқли бўлди. Бош ҳомий — Барнаулдаги «ЭСКО — компора» илмий ишлаб чиқариш фирмаси ҳақида ҳам фақат илқи фикрлар билдириш керак.

Игитлар самимий хайрла-



шиди. Бироқ уларнинг кейинги учрашуви аниқ: навбатдаги Жаҳон кубоги мусобақаларини келаси йилнинг 5—11 май кунлари Москвада ўтказиш хусусида келишиб олиниди.

А. КУРТМУЛЛАЕВ.

ИЛМИЙ-МЕТОДИК КЕНГАШЛАР

Таълим ва тарбиянинг сифат кўрсаткичларини оширишда ўқитувчиларнинг методик маҳоратлари алоҳида ўрни тутади. Бу ҳол ҳунар-техника таълимотида ҳам хос хусусиятлар. Шу сабабли Ўзбекистон Жуҳурининг халқ таълим вазирининг «Ўқув-техника олий йўлларида профессионал таълимнинг илғор педагогик тажрибалирнинг мўлжалда кенг ёйиш тадбирини кўришда».

«ИСТЕЪДОД»НИНГ САҲОВАТИ

Шаҳримизда кишиларга меҳр-шафқат ва саҳоват кўрсатиш учун бел боғлаган ташкилотлар сони ортмоқда. Тошкент тўқимачилик ва энгил санаят олий билимгоҳида тузилган «Истеъдод» жағмармаси ҳам ўз олдига энгил мақсад қўйиб, хайрли ишларга қўл урмоқда.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

КОРЧАЛОНЛАР ДОИРАСИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«ЧОРИ КО., ЛТД» ЯПОН ФИРМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
«ЎЗБЕКЛЕГПРОМ» ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ
СИЗЛАРНИ

1991 йил 23—25 октябрда
«Тошкент-91. Машиналар ва ускуналар»
КЎРГАЗМАСИГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ
Кўрғазма экспонатлари ичида: автомобиллар, геология-қидирув ускуналари, қурилиш машиналари, санаят ва маиший тикув машиналари, биочи жиҳозлари, алоқа аппаратлари, аудио-видео техника, ташкилий техника, соатлар, мусиқа асбоблари бор.

Кўрғазманинг иш вақти — соат 10 дан 18.00 гача.
Кўрғазмага фақат таклифномалар билан кирилади.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй, Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси, «Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари» павилйони.
39-11-87, 39-11-80, 39-11-17 телефонлари бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Чори» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонасига — 41-41-77, 41-83-73 телефонлари орқали кўнгирок қилиб, ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай ахборотни олишингиз мумкин.

КўРГАЗМАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз Урта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва Тошкент техника дорилфунунида таълим олмақчи бўлсангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА УҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда сиз учин аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, санаят ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. 9-синфларни битирувчилар тажриба гуруҳида ўқийдилар ва 2 йил давомида ўрта маълумот ҳамда касб эгаси бўладилар.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфин битирувчилар ойига 115—150 сўм миқдорда стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар, Тошкент техника дорилфунунига ўқишга юбориладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қуйдагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар, 18, 49, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекети.

МАНЗИЛИМИЗ: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй.
Телефон: 41-57-54.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Х да Афандининг беш хотини, 24/Х да Тўмарис, 25/Х да Унсиз фарёд (премьера) 26/Х да Унсиз фарёд (премьера), 27/Х да Мирзо Улуғбек.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 23/Х да Нурхон, 24/Х да Кули ва шодлик кечаси, 25/Х да Кўвлар конкурси, 26/Х да Мусиқали комедиялардан саҳналар, 27/Х да Мусиқали комедиялардан саҳналар.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Х да Паранжи силари, 24/Х да Майсаранинг иши, 25/Х да Алдагани хотин яхши (премьера), 26/Х да Кули ва қўшиқ кечаси, 27/Х да Фармонбиби аразлади.

«Ўзбекгидрогеология» бирлашмасининг «Гидроингео» илмий-текшириш илмгоҳи жамоаси илмгоҳ ходими М. Мирзаевага оғаси
Мирзаев МИРЗАЕВИНИНГ
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.
БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Мухаррир уринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб уринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; кишлоқ хўжалиги — 325847; санаят, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325558; маданият — 325787; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325845; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354, эъловлар бўлими — 325727.